

## ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИ ОШРИШДА СИТУАЦИОН-ҮЙИНЛИ МЕТОДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Абдуғаниев Олимжон Исимиддинович**

*Фарғона давлат университети ўқитувчиси, География фанлари доктори,  
доцент.*

**Деканбаева Мавлюда Носиржоновна**

*Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси.*

Ҳозирда юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ўқитишининг замонавий ва янги педагогик технологиялари асосида амалга оширилиши таълим жараёнининг узлуксиз қисмига айланди. Шу мақсадда таълим жараёнига интерфаол дарс шаклларини тадбиқ этиш орқали унинг самарадорлигига эришилмоқда. Таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги ўзининг кўп қирралилиги билан намоён бўлмоқда. «Ўқувчининг руҳий ҳолатлари, унинг келажакда ривожланиши (ёки пасайиши) қандай ҳисобга олиняпти?», деган саволларнинг ечимига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, педагогик технология шахс ривожланиши босқичларини лойиҳалаштириш, ташхислаш ва дифференциялаш имкониятларига эга. Бу педагогнинг таълим технологияларидан фойдаланиш қобилиятига боғлиқ. Янги педагогик технологияларнинг ютуқли томони шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Дарс жараёнида ўрганилаётган мавзу мазмунига мослаб ташкил этиладиган ситуациян-ўйинлар эса ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлашга ундейди, уларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади.

Таълим самарадорлигига ситуациян ўйинларнинг таъсир кўрсатишини муҳим белгиси, таълимни барча учун қулай бўлган суръатини таъминлашдир. Ўйин фаолияти ўқувчиларга ўзларига қулай бўлган суръатда ҳаракат қилишга имкон беради. Бундан ташқари, ўйинларда ролни ўзи танлаш имконияти вужудга келади, яъни мажбурийлик, мажбур қилиш элементи барҳам топгандек бўлади. Бироқ, ўйиннинг ўқув жараёнидаги катта аҳамиятини таъкидлаганда, уларни ролини ошириб юбормаслик керак.

Ситуацион ўйинлар имкониятларини таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш таълим мазмунининг ўзига хослиги ўйинларнинг энг мақбул турларини: саёҳат, комплекс экспедициялар, лойиҳаларни ҳимоя қилиш, матбуот конференцияси, давра сұхбати каби ўйинларни белгилаш имконини беради. Таълим жараёнида бу ўйинларни қўллаш ўқувчиларнинг билимлари ва малакалари сифатига сезиларли равишда таъсир қиласи, фанга бўлган барқарор қизиқишни шакллантиришга ёрдам беради.

Ситуацион-ўйинли методлар ҳарактерига кўра имитацион (тақлидли) ва ноимитацион методларга ажратилади. Имитацион методлар - педагогик усуллар ва

машғулот ўтказишининг махсус шакли бўлиб, ўқувчиларни ўқув жараёнида маълум соҳа мутахассисларига тақлид қилишларига асосланган ситуациян-ўйинлар заминига қурилади. Бу методга ишбилармонлик ўйинлари, ўйинли лойиҳалаштириш ва бошқа методларни киритиш мумкин. Масалан: “Илмий тадқиқот ишида маъруза, баҳс-мунозара” туридаги ўйинда, асосий роллар қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин: - “Бошловчилар” – ўқитувчи ёки талабалар илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган ишлаб чиқариш илмий муассаса мутахассиси.

Тажриба тўпланиб боргани сайин ўқувчилар ҳам бошловчиларга айланадилар; “Йўлбошчилар” – мухокама қилинаётган муаммонинг муайян масалалари бўйича вазиятни мухокамага олиб чиқувчи маърузачилардир; “Безатувчилар” – йўлбошчиларнинг маърузалари ва чиқишлигини кўргазмали равища тақдим этувчи ва тушунтирувчи ўйин қатнашчилари; “Ассистентлар” – йўлбошчининг ёрдамчилари. Улар йўлбошчига ва оппонентларга барча кўргазма материалларини намойиш қилишда кўмаклашишлари керак; “Расмий оппонентлар”- йўлбошчилар томонидан тайёрланган маърузалар ва бошқа материаллар бўйича мулоҳаза билдириш вазифаси расмий топширилган ўйин қатнашчилари; “Норасмий оппонентлар” – муаммо бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борувчи қолган барча талабалар, ўйин қатнашчилари; “Провокаторлар” – ишлаб чиқаришда илмий муассасада мавжуд салбий ҳодисалар, далиллар ва шу кабиларни қўшимча баён қилиш асосида, ўйин қатнашчиларининг фаоллигини оширишга ундовчи, муаммолар қўйиши керак бўлган ўйин қатнашчилари (ишлаб чиқариш ёки илмий муассаса мутахассислари, олий ўқув юртининг ўқитувчилари ёки илмий ҳодимлари, аспирантлар, магистрлар ва талабалар). “Қайд қилувчилар” – мунозаранинг боришини қоғоз тасмага, фото ёки дискларга ёзиб борувчи ўйин иштирокчилари. “Ишбилармонлик ўйини” методи - берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади. Масалан, "Мини автозавод" ўйини. Ушбу ўйинни иқтисодий фанларни ўқитишида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, меҳнат тақсимоти ва бошқа билимларни эгаллашда қўллаш мақсадга мувофиқ. Ситуацион-ўйинли методлардан яна бири - ролли ўйинлардир. Бу метод -таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб бериши билан харатерланади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда ўқувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу ўқувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий фан бўйича ўтилаётган мавзуга мос равища, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Ўқувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

Ролли ўйинларнинг ишбилармонлик ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида ўқувчилар

ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбилармонлик ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ситуацион-ўйинли методлар бошқа педагогик технологиялардан фойдаланишни чекламайди. Аксинча, ушбу методнинг асосий мақсадини очиб берадиган муҳокама қисмида мунозаралар "Ақлий ҳужум", "Амалий анжуман", "Барча омилларни қара", "Плюс, минус, қизиқ" ва шу каби бошқа методлар билан уйғунлиқда олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай мунозара-ўйинларнинг асосий мақсади бўлажак мутахассисларни, яъни тадқиқотчиларни муайян ишлаб чиқаришдаги вазиятлар, ишлаб чиқариш мутахассислари ва талабаларни ёзма ва оғзаки маъruzalарини ёки мулоҳазаларини тақдим қилиш асосида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг моҳияти, мазмуни ва бориши ҳақидаги ахборот алмашишга ўргатиш, бўлажак мутахассисларга ўз нуқтаи назари, ўз қарашларини исботлаш ва химоя қила олиш маҳоратини шакллантириш, ўзгалар билдирган ғояларнинг моҳиятига кириб бориш, ишлаб чиқаришдаги илмий-тадқиқот ишларининг муайян босқичлари бўйича қарорлар қабул қилиш кўникмаларини барпо этишдан иборат.

Мунозара-ўйинлар бўлажак мутахассисларда, илмий ишлаб чиқариш муаммоларини қўйиш ва уни ҳал қилишга қизиқиши, тадқиқот ишларига ҳолисона турли нуқтаи назарларни қабул қила олиш маҳорати билан ёндошишга тарбиялайди, талабаларда муаммони қўйиш, унинг бориши ва ечими натижаларини муҳокамасида, ҳақиқий мунозараларва илмий-амалий анжуманлар ва уларда муҳокама қилинаётган масалалар бўйича қарашлар, ғоялар, билимлар ва тажрибаларни эркин алмаштиришда ўзини муаян тутиш кўникмаларини ҳосил қиласди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги қонун -Т.:Ўзбекистон, 1997.
2. Abdug‘Aniyev O. I., Turdiboeva S. X. Q., Abdullayeva N. R. Q. BARQAROR TARAQQIYOT VA ETNOEKOLOGIYA //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 94-101.
3. Абдуғаниев О. И., Нишонов Б. Экологик-хўжалик ҳолатни оптималлаштиришда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг аҳамияти //Miasto Przyszlosci. – 2022. – Т. 25. – С. 72-73.
4. O.Abduganiyev, U.Obidjonov, S.Mominova BIOLOGICAL DIVERSITY AND PROBLEMS OF ITS CONSERVATION (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA VALLEY) // Academic research in educational sciences. 2022. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/biological-diversity-and-problems-of-its-conservation-on-the-example-of-the-ferghana-valley> (дата обращения: 10.11.2023).

5. Абдуганиев О.И. и др. Ландшафт ва биологик хилма-хилликни ГАТ-тахлил асосида баҳолаш //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 53-58.
6. Абдуганиев, О. И. (2022). ЭКОЛОГИК СЎҚМОҚЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ. *Scientific Impulse*, 1(4), 868-873.
7. Олимжон Исомиддинович Абдуғаниев, Турсуной Дилмуродовна Комилова, & Муҳаммадюсуп Темурхон Ўғли Мухториддинов (2022). УРБАНИЗАЦИЯЛАШГАН ҲУДУДЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ОЛАТИНИ БАҲОЛАШДА ГАТ-ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (5), 757-765.
8. О. И. Абдуганиев, & А. Мадрахимов (2022). МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ АСОСИЙ ТОИФАЛАРИ ВА ТАСНИФЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 136-143.
9. Аҳмадалиев, Ю. И., & Абдуғаниев, О. И. (2019). The value of geoecological principles in the system of protected natural territories. In Узбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик салоҳияти ва истиқболи (pp. 48-50).
10. Isomiddinovich, A. O., & Yigitaliyevich, X. R. (2021). Territorial Structure and Stability of Ecological Framework. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 29(2), 462-467.
11. Абдуганиев О.И., Махкамов Э.Г., & Комилова Т.Д. (2020). ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ. Экономика и социум, (4 (71)), 1072-1077.
12. Mahkamov, E. (2021, July). GEOGRAPHICAL DISTRIBUTION OF MEDICAL PLANTS OF THE FERGANA VALLEY, RECREATION POSSIBILITIES AND GEOECOLOGICAL ASPECTS OF THEIR PROTECTION. In Конференции.
13. Abduganiev, O. I., & Abdurakhmanov, G. Z. (2020). Ecological education for the purposes sustainable development. *Am. J. Soc. Sci. Educ. Innov*, 2, 280-284.
14. Ферберман Б., Мусина Р., Джумабаева Ф Современные методы преподавания в вузах (Учебное пособие). -Ташкент: 2001.
15. Джумабаева Ф., Сўфихўжаев Н. Талабаларни ижодий фикрлашини ривожлантириш Ўқув-методик қўлланма. - АДУ: 2010. б. 87 - 88.